

Ҳожига бериладиган ажр савоблар



19:29 / 03.08.2017 3825

Ҳажга алоҳида эътибор бериб, уни сидқидилдан адо этганларга беҳисоб ажру савоблар ваъда қилинган бўлса, унга бепарво бўлган кишиларга ваъдлар бордир. Имом Табароний раҳматуллоҳи алайҳ ўзларининг «Муъжами кабир» асарларида ҳаж ибодатини бажаришга чоғланган кишиларга бериладиган мукофот ҳақида ворид бўлган қуйидаги ҳадисни ривоят қилганлар:

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ўз ўғилларига: «Эй ўғилларим! Маккадан (Арафотга) пиёда ҳаж қилувчи ҳолда чиқинглар, чунки мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «(Маккадан Арафотгача уловда борган) **уловлик ҳожи учун уловининг босган ҳар қадамига етмишта ҳасанот**, (Маккадан Арафотгача пиёда ҳаж қилган) **пиёданинг ҳар қадамига эса етти юзта ҳасанот бўлади**», деганларини эшитганман», деди».

Табароний ривоят қилган.

Маккадан Арафотгача пиёда борган ҳожининг ҳар бир қадамига етти юз мингта ҳасана берилиши ҳадисларда келган. Энди шунча масофага пиёда борганда ҳожининг ҳасанотлари қанчага кўпайишини ҳисоблаб олаверинг.

Бир ибодат эвазига юз минглаб, ўн миллионлаб ибодатлар савобини ато қилиш Аллоҳ таолонинг Ўз бандаларига берган улкан инъоми ва фазлидир.

Саҳобаи киромлару тобеъинлар қанчалар банд бўлишларига қарамай, кўпроқ ҳаж ва умра қилишга қаттиқ бел боғлаганлар. Ҳазрати Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ҳам эллик беш маротаба ҳаж қилганлар. Шунинг учун кимга Аллоҳ таоло соғлик-саломатликни ҳамда мол-дунёда кенгчиликни ато қилган бўлса, фақат фарз қилинган ҳаж билан кифояланиб қолмай, вақти-вақти билан қайта-қайта ҳаж қилишга интилиши лозим. Қайта-қайта ҳаж қилиш фарз ёки вожиб бўлмаса-да, кўплаб ажру савобга сабаб бўлувчи амаллардандир. Шу билан бир қаторда қайта-қайта ҳаж қилган одам фақирлик ва муҳтожликдан сақланади.

Ҳаж ибодатида улкан ҳикматлар бўлиб, бу ҳикматларнинг барчасини инсоннинг ожиз ақли тўла англаб олиши қийин. Шундай бўлса ҳам уламолар ижтиҳод қилганлар.

Ҳажда исломий бирлик ёрқин намоён бўлади. Ҳаж чоғида мусулмонларнинг ҳис-туйғулари, ибодатлари ва ҳатто сувратлари бир хил бўлади. Бу ерда ирқчилик, маҳаллийчилик, табақачилик каби салбий ҳолатларга ўрин қолмайди. Ҳамма бир Аллоҳга иймон келтириб, бир Байтуллоҳни тавоф қилади. Тинчлик Ислонинг шиори экани ҳажда яна бир бор намоён бўлади. Ҳамма тинч, юрт тинч, ибодат тинч, халқ тинч бўлади.

Ҳаж улкан исломий анжуман бўлиб, ҳар бир мусулмон дунёнинг турли бурчакларидан келган дин қардошлари билан учрашади, турли масалаларни муҳокама қилади. Ислон ва иймон ришталари мустаҳкамланади.

Ҳаж ва умра қилувчи Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг марҳамати ҳамда ризолигига эришиш учун ҳамма нарсадан, ҳатто дунёвий кийимларидан-да холи бўлиб, ёлғиз Унинг хизматига бел боғлаши зарур. Бошқа динларда Аллоҳнинг ризолигини топиш учун таркидунёчиликка берилдилар. Ислон динида ҳаж ана шундай таркидунёчиликнинг ўрнига жорий қилинган. Аллоҳ таоло Ўз Уйини улуғлаб, шарафлади ва бандалари учун унга етишишни олий мақсад қилиб қўйди. Ана ўша Уйни зиёрат қилган мусулмон қалби софланиб, яхшилик қилишга интиладиган ва ёмонликдан нафратланадиган бўлиб қайтади.

Ҳажда мусулмон банда омонлик юрти бўлмиш Маккаи мукаррамага сафар қилади. Макка – улуғ, муқаддас шаҳар. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда унинг номи билан қасам ичган. Ўзининг уйи бўлмиш Каъбанинг шу шаҳарда қарор топишини ирода қилган.

Охирзамон пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳам шу шаҳарда дунёга келишларини хоҳлаган. Охирги китоби Қуръони Карим оятларини нозил қилишни ҳам шу шаҳарда бошлаган. Бу шаҳарни Аллоҳ таоло Қуръони Каримда «Уммул Қуро» – «Шаҳарларнинг онаси» деб атаган. Ҳар бир мусулмон учун азиз ва мукаррам бўлган бу муқаддас шаҳарга сафар қилиш, ҳар куни намозларида неча бор юзланаётган Каъбани тавоф этиш чексиз бахтдир.

Ҳаж улуғ руҳий озуқа берадиган ибодат бўлиб, унда мусулмон банданинг вужуди Аллоҳ таолога тақво билан, Унга тоат қилишга азму қарор билан, гуноҳларига надомат билан тўлади. Бу сафарда мусулмон кишининг Аллоҳга, Унинг Расулига ва мўмин-мусулмонларга бўлган муҳаббати зиёда бўлади. Дунёнинг ҳамма тарафларидаги дин қардошларига нисбатан дўстлик туйғулари уйғониб, мустаҳкамланади.

Ҳаж машаққатларни енгишни ўргатадиган машқ майдони ҳамдир. Ватандан, аҳли-аёлдан узоқда, роҳат-фароғатдан воз кечиб, турли қийинчиликларга ўзини урган одам, албатта, бошқа ҳар қандай машаққатларни осонлик билан енгишга малака ҳосил қилади. Ҳаж ибодатининг бандалар учун бундан бошқа ҳам жуда кўп фойда ва манфаатлари бордир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Мўминнинг умр сафари китобидан)